

**Қ А Р О Р**  
**(маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида)**

2023 йил декабрь ойининг 1 куни, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Бердиев, судья ёрдамчиси И.Бахтияровнинг котиблигида, Мирзо Улуғбек туман 2-ИИБ ХПБ профилактика инспектори Ж.Ҳақбердиев ва ҳуқуқбузар А.Шанязовнинг иштирокида, туман ИИО ФМБ 2-ИИБ бошлиғининг:

**Шанязов Амир Аминович**, 2000 йил 13 июнь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республика фуқароси, муқаддам судланган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзеси, 62-уй, 37-хонадонда истиқомат қилувчига нисбатан келтирган тақдимнома юзасидан тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Н Д И:**

Муқаддам ўта оғир жиноят содир этиб судланган Шанязов Амир Аминович тайинланган жазоларни ўтагандан кейин ўзига тегишли ижобий ҳулоса чиқармасдан, судланганлик ҳолати тугалланмасдан туриб, яна ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилиб келган.

Жумладан, Шанязов Амир Аминович 13.07.2023 йилда жамоат жойида майда безорилик содир қилиб, ички ишлар органи ходимларининг қонуний талабларини бажармаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 /уч/ баравари миқдоридан, яъни 990.000 сўм жарима жазосига тортилган.

Шунингдек, Шанязов Амир Аминович маъмурий жазога тортилиб ўзига тегишли ҳулоса чиқармасдан, 23.10.2023 йилда жамоат жойида майда безорилик содир қилиб, ички ишлар органи ходимларининг қонуний талабларини такроран бажармаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддаси 2-қисми билан 5 /беш/ сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилган.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар Шанязов Амир Аминович ҳақиқатдан ҳам бир йил давомида икки маротаба ҳуқуқбузарлик содир этиб, маъмурий жазога тортилганлиги, маъмурий назорат қоидаларини яхши билишлиги, ҳозирда қилмишидан пушаймонда эканлигини билдирди.

Суд, Шанязов Амир Аминович билан олиб борилаётган профилактик ишлар ижобий натижа бермасдан, балки у мунтазам равишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилиб келаётганлиги яъни бир йил давомида икки маротаба ҳуқуқбузарлик содир этганлиги сабабли келгусида ижтимоий хавфли жиноий ҳаракатлар содир қилиб қўймаслиги мақсадида унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиб, унинг турмуш тарзини ва ҳулқ-атворини Ички ишлар идоралари назорат қилиб бориши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, тақдимномани қисман қаноатлантиришни лозим топади.



Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” 352-сонли Қонунининг 6-моддасини қўллаб, судья

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБ 2-ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қисман қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” Қонунининг 6-моддасига асосан **Шанязов Амир Аминович**га нисбатан 6 (олти) ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин.

Шанязов Амир Аминовичга нисбатан тайинланган маъмурий назоратни амалга ошириш Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Маъмурий назоратни ўташ даврида Шанязов Амир Аминовичга қуйидаги чекланишларга риоя қилиниши шартлиги белгилаб қўйилсин:

Тошкент шаҳри ҳудудидан туман ИИО ФМБ идорасининг рухсатисиз чиқиш қатъиян ман қилинсин;

Яшаш жойидан соат 21:00 дан 06:00гача ташқарига чиқиш ман қилинсин;

Ҳар ойнинг 5,15,25-санасида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБга келиб, рўйхатдан ўтиб туриш белгилансин;

Шанязов Амир Аминовичга муайян жойларга, жумладан кафе, бар, спиртли ичимликлар реализация қилиш жойларига бормаслик (ишхонаси бундан мустасно) юклатилсин.

Қарордан норози томон ўн сутка муддат ичида шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи:**  
қарор нусхаси аслига тўғри:

(имзо)

**Б.Б.Бердиев**

